

Қорақалпоғистон тиббиёт институти
Кузатув кенгашининг
2022 йил “31” майдаги
2-сон мажлис баённомасига
1-ИЛОВА

«Келишилди»
ҚТИ Кузатув кенгаши раиси
Б.Қ.Юсупалиев _____
« _____ » _____ 2022й

«Тасдиқлайман»
ҚТИ ректори
О.А.Атаниязова _____
« _____ » _____ 2022й

Қорақалпоғистон тиббиёт институти

2022-2030 йилларда ривожлантириш Концепцияси (стратегияси)

Кириш

Қорақалпоғистон тиббиёт институти 2022-2030 йилларда ривожлантириш Концепцияси Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 24 декабрдаги “Давлат олий таълим муассасаларининг академик ва ташкилий-бошқарув мустақиллигини таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-60-сон қарори, 2021 йил 24 декабрдаги “Давлат олий таълим муассасаларига молиявий мустақиллик бериш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-61-сон қарори, 2017 йил 20 апрелдаги “Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-2909-сон қарори билан тасдиқланган “2017-2021 йилларда олий таълим тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлар”нинг 7-банди, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 27 июлдаги “Олий маълумотли мутахассислар тайёрлаш сифатини оширишда иқтисодиёт соҳалари ва тармоқларининг иштирокини янада кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-3151-сон қарорининг 7-бандига мувофиқ ишлаб чиқилган бўлиб, институтни сифат жиҳатидан янги босқичга ўтиш стратегиясини белгилайдиган ҳужжат ҳисобланади. Концепция институтнинг таълим, илм-фан, бошқарув, молия-иқтисод, маъмурий-хўжалик, халқаро алоқалар ва бошқарув фаолиятининг устувор йўналишларини ривожлантириш ва такомиллаштириш асосида уни республика ва халқаро олий таълим тизимида рақобатбардош таълим муассасаси даражасига олиб чиқишни назарда тутди.

Қорақалпоғистон тиббиёт институтини истиқболий ривожлантиришнинг асосий концептуал тамойиллари қуйидагилардан иборат:

институтнинг барча фаолият йўналишлари сифатини ошириш, институтни бозор иқтисодиёти шароитида барқарор динамик ўсиш траекториясига олиб чиқиш, уни замонавий меҳнат бозорида рақобатбардош ва эҳтиёж юқори бўлган мутахассислар (битирувчилар) тайёрлаш билан ажралиб турадиган институтга айлантириш;

фундаментал ва амалий илмий тадқиқотлар, шунингдек инновацион фаолиятни ривожлантириш;

жаҳон стандартларига мувофиқ мутахассислар тайёрлашни таъминлаш, илмий тадқиқотлар ўтказиш, таълим ва қўшимча хизматлар кўрсатиш;

институтда халқаро даражадаги маданий-таълим муҳитини яратиш; инновацион технологияларни ишлаб чиқиш ва ўқув жараёни, илм-фан, бошқарувга тадбиқ этиш;

ишлаб чиқариш ташкилотлари ҳамда етакчи академик ва таълим муассасалари, марказлари билан мустаҳкам ва самарали алоқларни яратиш;

институтда лидерлик, корпоратив маданият, рақобат муҳитида яшаш ва ғолиб чиқиш ҳиссиёти шакллантириш;

институтда битирувчиларга ютуққа йўл очадиган билим устуворлиги, эркин фикр билдириш, ижодий қобилиятларни қўллаб-қувватлаш каби муҳит яратиш.

Юқорида қайд этилган концептуал тамойиллар асосида институтни ҳар бир фаолият йўналишлари бўйича ривожлантиришнинг асосий мақсад ва вазифаларини шакллантириш мумкин.

Қорақалпоғистон тиббиёт институти институтини ривожлантиришнинг мақсад ва вазифалари

1. Таълим жараёни

1.1. Таълим жараёнининг стратегик мақсади

Юқорида қайд этилган концептуал тамойиллар асосида таълим фаолиятини такомиллаштириш орқали мутахассислар тайёрлаш сифатини сезиларли даражада яхшилаш.

1.2. Таълим фаолиятини такомиллаштириш бўйича вазифалар:

- талабаларнинг чуқур билим, касбий малака ва кўникма олишлари, шунингдек ўзларининг ижодий потенциалларини намоён қилишлари учун ўқув, илмий, инновацион фаолият бирлигини таъминлаш;

- мутахассислар тайёрлашнинг юқори сифатига эришиш учун

талабалар, профессор-ўқитувчиларда таълим технологияларига бўлган талабларни кучайтириш;

- институт олдида турган муаммоларни оптимал тарзда ҳал этишга йўналтирилган янги, ностандарт таълим ва илмий технологияларни яратиш;

- замонавий таълим технологияларини яратиш ва ривожлантириш, илмий-педагогик мактаблар ва инновацион ғояларни қўллаб-қувватлаш, фан, техника ва технологияларнинг охириги ютуқларини ақс эттирган дарслик ва ўқув қўлланмаларини яратиш;

- соғлиқни сақлаш тизимини ривожланиш истиқболлари, меҳнат бозорининг талаб_эҳтиёжларидан келиб чиқиб, янги таълим йўналишлари ва мутахассиликларини очиш;

- ўқув жараёнига масофавий таълим элементларини кенг жорий этиш;

- мутахассислик фанлари инглиз тилида ўқитиладиган гуруҳлар ташкил этиш;

- ўқув-услугий базани замон талабларидан келиб чиққан ҳолда мунтазам такомиллаштириб бориш;

- ўқув жараёнига кредит-модуль тизимини жорий этиш;

- таълим хизматлари маркетинги тизимини такомиллаштириш;

- ўқув бўлинмаларининг кадрлар потенциали ва моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, янги таълим технологияларини тадбиқ этиш мақсадида ўқув жараёнининг услубий ва ахборот таъминотини такомиллаштириш;

- профессор-ўқитувчилар таркибининг малакасини ошириш тизимини такомиллаштириш;

- республикамиз ва хорижий етакчи олий таълим муассасаларининг таълим тизими ва мазмунини ташкил этишдаги илғор тажрибаларини ўрганиш ва жорий этиш;

- ўқув режаларига етакчи хорижий олий таълим муассасалари тажрибаси асосида янги фанларни киритиш, дарслик ва ўқув қўлланмаларини таржима қилиш;

- ўзаро келишувлар асосида олий таълим муассасалари билан академик мобилликни амалга ошириш;

- олий таълим муассасаси ва унинг тузилмасидаги таълим муассасалари учун ўз грифи асосида дарсликлар ҳамда бошқа ўқув ва илмий адабиётларни яратиш ва нашр этиш;

- таълим сифатини ички назорат қилиш механизмларини белгилаш ва жорий этиш.

- таълим жараёнига замонавий педагогик технологияларни қўллай оладиган ва илмий изланиш олиб борадиган маҳаллий ҳамда хорижий

профессор-ўқитувчи ва мутахассисларни шартнома асосида жалб қилиш;
- ўқув-илмий жараёнларга жалб этилган хорижий юқори малакали мутахассислар меҳнатига ҳақ тўлаш миқдорларини бозор конъюнктурасидан келиб чиқиб белгилашга оид қарорлар қабул қилиш;

2. Илмий-тадқиқот, ижодий, инновацион фаолият ва олий малакали кадрлар тайёрлаш

2.1. Илмий-тадқиқот, ижодий, инновацион фаолиятни ривожлантириш ва олий малакали кадрлар тайёрлашнинг стратегик мақсади

Илмий-тадқиқот, ижодий, инновацион фаолиятни ривожлантириш ва олий малакали кадрлар тайёрлаш:

институтнинг кадрлар сиёсатини амалга ошириш;

институтни республикада етакчи илмий-таълим маркази сифатида намоён бўлишини таъминлайдиган фундаментал ва амалий илмий-тадқиқотлар, инновацион фаолиятни ривожлантириш;

институтни халқаро инновацион фаолият маркази даражасига чиқаришга қаратилган.

2.2. Илмий-тадқиқот, ижодий, инновацион фаолиятни ривожлантириш ва олий малакали кадрлар тайёрлаш бўйича вазифалар

- таълим ва илмий жараёнлар бирлигини таъминлаш;

- грант танловлари, турли даражадаги дастурлар, хўжалик шартномалари асосидаги тадқиқотларда қатнашиш, лаборатория, инновацион-технологик марказларни ташкил этиш орқали илмий тадқиқотлар ва инновацион фаолиятни диверсификация қилиш доирасини кенгайтириш;

- илмий тадқиқотлар ва инновацион лойиҳалар сифати ва молиялаштирилишини ошириш;

- лаборатория ва ахборот базаларини модернизациялаш, консалтинг, маркетинг, молиявий, ахборот ва таълим хизматларини кўрсатиш орқали илмий-тадқиқот ишлари ва инновацион фаолиятни замон талабалари даражасида техник қўллаб-қувватлаш;

- талабаларни илмий-тадқиқотларга жалб этиш, иқтидорли талабалар билан индивидуал ишлаш доирасини кенгайтириш, уларни стажировка

- магистратура - таянч докторантура - докторантура тизимида мақсадли тарбиялаб бориш ишларини фаоллаштириш;

- докторант ва талабаларнинг камида битта чет тилини билишини таъминлаш учун замонавий тил ўқитиш технологияларини жорий этиш;
- юқори малакали илмий, илмий-педагогик кадрлар тайёрлаш ишлари самарадорлигини ошириш;
- республика саноат ва ишлаб чиқариш корхоналарининг жадал суратларда ривожланишини таъминлашда илмий ва инновацион ишланмалар аҳамиятини ошириш; - фундаментал, амалий ва инновацион лойиҳалар, давлат грантлари танловига лойиқ, шунингдек хўжалик шартномалари асосида бажариладиган илмий-тадқиқот мавзулари спектрини кенгайтириш.

3. Халқаро фаолият

3.1. Халқаро фаолиятнинг стратегик мақсади

Халқаро ҳамкорлик, даставвал, институтнинг жаҳон таълим тизимига интеграциялашувини таъминлаш, жаҳон олий таълим тизими стандартларига яқинлашиш, таълим, илмий, иқтисодий фаолият доирасини кенгайтириш учун замонавий шарт-шароит ва норматив базани яратишга йўналтирилган.

3.2. Халқаро фаолият бўйича вазифалар

- хорижий ҳамкор олий таълим муассасалари, илмий-тадқиқот марказлари профессор-ўқитувчиларини таълим жараёнига жалб этиш, улар томонидан мутахассислик фанларини тизимли асосда ёки модуль фанлар шаклида янги хорижий ўқув адабиётлардан фойдаланиб ўқитилишини йўлга қўйиш;
- институт талабалари, ёш олимлари ва профессор-ўқитувчиларини хорижий ҳамкор олий таълим муассасалари, илмий-тадқиқот марказларига ўқиш, стажировка, малака ошириш ва илмий-тадқиқот ишларини бажаришга юбориш;
- хорижий профессор-ўқитувчи ва олимларнинг маҳорат дарсларини ташкил этиш, улар иштирокида илмий конференциялар, давра суҳбатлари ва семинарлар ўтказиш;
- хорижий мутахассисларни жалб қилган ҳолда замонавий технологиялар асосида чет тилларини ўқитишни йўлга қўйиш;
- халқаро илмий-тадқиқот лойиҳалари ва грантларида иштирок этиш кўламини кенгайтириш;
- хорижий нашрларда чоп этиладиган илмий мақолалар сонини ошириш, институт профессор-ўқитувчилари томонидан чоп этилган тезис ва мақолалар иқтибослигини оширишга эришиш;
- институт илмий-педагогик ходимларининг халқаро илмий

конференцияларда маъруза билан иштирок этишларни таъминлаш;

- институт томонидан таъсис этилган илмий журналда хорижий олимларнинг мақоларини чоп этиш, уларни тақризчи сифатида иштирокини рағбатлантириш.

4. Ишлаб чиқариш-хўжалик фаолияти

4.1. Ишлаб чиқариш хўжалик фаолиятини такомиллаштириш

Ишлаб чиқариш-хўжалик фаолиятини такомиллаштириш институтнинг барча фаолият турлари, биринчи навбатда ўқув-илмий жараёнга хизмат қилиш ишлари сифатини ошириш, шуниндек ходимлар ва талабаларнинг меҳнат қилиш, ўқиш ва хордиқ чиқариш шароитларини яхшилашга йўналтирилган.

4.2. Ишлаб чиқариш-хўжалик фаолияти бўйича вазифалар

- ишлаб чиқариш-хўжалик фаолиятида бюджет ва бюджетдан ташқари маблағларидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш;

- сарф-харажатлар самардорлигини назорат қилиш тизимини жорий этиш;

- бюджетдан ташқари маблағлар топиш ишларини амалга ошириш;

- хўжалик хизматлари моддий-техник базасини ривожлантириш;

- мавжуд жиҳозларни модернизация қилиш ва янгиларини харид қилиш;

- ишлаб чиқариш-хўжалик фаолиятига малакали кадрларни жалб этиш.

5. Молия ва иқтисодий фаолият

5.1. Молия ва иқтисодий фаолиятни такомиллаштириш

Молия ва иқтисодий фаолиятни такомиллаштириш молиявий манбаларни жалб этиш, улардан институтнинг асосий фаолиятини молиялаштириш учун мақсадли фойдаланишга йўналтирилган.

5.2. Молия ва иқтисодий фаолиятни такомиллаштириш вазифалари

- молиявий масалаларни тизимли таҳлил ва назорат қилиш, харажатлар сметасини объектив асослаш;

- институт ходимлари меҳнатига ҳақ тўлаш ва моддий рағбатлантириш тизимини такомиллаштириб бориш;

- молиявий ресурсларни тежаш;

- молиявий режалаштириш, бухгалтер ҳисоби ва назоратига замонавий дастурий маҳсулотларни жорий этиш;
- тўловли таълим хизмат турларини кенгайтириш (қўшимча таълим, хорижий тилларни ўргатиш, даволаш, консалтинг ва сервис хизмати кўрсатиш марказларини ташкил этиш);

6. Институтни бошқариш

6.1. Институтни бошқаришни такомиллаштириш бўйича вазифалар

- бошқарув ходимлари малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш, бошқарув услубларини такомиллаштириш;
- ҳужжатлар алмашинувини халқаро стандартлар талабларига мувофиқ тизимлаштириш;
- институт тузилмасига заруратдан келиб чиққан ҳолда ўзгартиришлар киритиш;
- заруриятга кўра қисқа ва тўлиқ тартибдаги кечки, масофавий таълим шакллари жорий этиш.

7. Таълим ва илмий фаолиятнинг моддий-техника базасини ривожлантириш

7.1. Таълим ва илмий фаолиятнинг моддий-техника базасини ривожлантиришнинг стратегик мақсадлари

Таълим ва илмий фаолиятнинг моддий-техника базасини ривожлантиришнинг стратегик мақсадлари таълим стандартлари ҳамда илм-фаннинг замонавий талабларига мувофиқ моддий-техника база яратишга қаратилган.

7.2. Таълим ва илмий фаолиятнинг моддий-техника базасини ривожлантириш бўйича вазифалар

- лаборатория, ўлчов-диагностика жиҳозларини замон талаблари даражасида янгилаш ва ишчи ҳолатда сақлаш;
- маъруза залларини аудио ва мультимедиа жиҳозлари билан таъминлаш;
- ўқув-илмий лабораторияларнинг замонавий моддий-техник таъминотини яратиш.
- фаолиятининг асосий йўналиши таълим, илм-фан, унинг натижаларини жорий этиш ҳамда тижоратлаштириш билан боғлиқ бўлган, давлат бюджети маблағлари ҳисобидан молиялаштирилмайдиган таркибий тузилмалар, тижорат ва нотижорат ташкилотларни ташкил этиш;
- олий таълим муассасалари учун белгиланган нормативлардан қатъий назар муассасанинг тузилмасини тасдиқлаш ва штат бирликлари сонини

белгилаш;

- меҳнат бозоридаги эҳтиёждан келиб чиқиб, янги таълим йўналишлари ва мутахассисликларни очиш, амалдаги таълим йўналишлари ҳамда мутахассисликларни тугатиш;

- педагог ва бошқа ходимларни ишга қабул қилиш, ишдан озод этиш ва ички ротациясига оид тартибни белгилаш;

- хорижий давлат фуқароларини тўлов-контракт асосида ўқишга қабул қилиш ва масофавий таълим олиш шаклида ўқитишни ташкил этиш.

- бўш турган бино ва иншоотларда пуллик хизматлар кўрсатиш.

8. Институтни ахборотлаштириш

8.1. Ахборотлаштиришнинг стратегик мақсадлари

Ахборотлаштиришнинг стратегик мақсадлари меҳнат бозорида кадрларнинг рақобатбардошлигини таъминлаш, таълим беришнинг сифатини ошириш ва таълим муассасалари фаолиятининг самарадорлигини оширишга йўналтирилган.

8.2. Ахборотлаштиришнинг асосий вазифалари

- институтнинг асосий фаолият йўналишлари бўйича ахборотлаштириш платформаларини танлаш ва яратиш;

- асосий ахборотлаштириш платформаларини институтнинг корпоратив тизимига интеграциялаш;

- институтнинг профессор-ўқитувчилари, талабалари ва ходимларига ички ва ташқи ахборот ресурсларидан рўйхатдан ўтган ҳолда фойдаланиш имкониятини яратиш;

- “Ўқув жараёнида ахборот технологияларини узлуксиз қўллаш” дастурини тадбиқ этиш;

- масофадан ўқитиш тизимини яратиш;

- институт профессор-ўқитувчилари ва ходимларининг ахборот технологияларини қўллаш бўйича малакаларини ошириш;

- институтни жаҳон ахборот маконида рус ва чет тилларида намоиш этиш учун Web-технологияларини ривожлантириш;

- ахборот-ресурс марказлари, электрон дарслик ва ўқув қўлланмаларининг Web-каталогларини ривожлантириш;

- ахборот ҳимоясини таъминлаш.

9. Тил ўқитишни ривожлантириш

Тил бўйича тайёргарлик замонавий таълимнинг ўта муҳим элементи

ҳисобланиб, институт битирувчиларининг глобал дунё, очик ахборот маконига кириб боришларига кенг имконият яратади.

9.1. Тил ўқитишни ривожлантиришнинг стратегик вазифалари

- чет тилларидан камида биттасини ўқитишни таъминлаш;
- талабалар, магистрантлар, клиник ординаторлар ва докторантларга дифференциаллашган ёндошув асосида тил ўқитиш; институтнинг барча таълим йўналишлари ва мутахассисликлари таълим дастурларига касбий мулоқот бўйича тил ўқитишни жорий этиш;
- профессор-ўқитувчиларда мутахассислик бўйича ноёб техник адабиётларни таржима қилиш, маъруза ўқиш, нутқ сўзлаш, чет тилларида мақолалар ёзиш каби профессионал компетенцияларни шакллантириш ва ривожлантириш;
- чет тилларини мукаммал биладиган профессор-ўқитувчилар томонидан махсус фанлардан чет тилларида маъруза ўқилишини таъминлаш;
- махсус фанларни чет тилида ўқитиш услубларини яхши биладиган хорижий мутахассисларни ўқув жараёнига жалб этиш;
- институт профессор-ўқитувчиларининг чет тилларини ўрганиш, махсус фанлардан чет тилида маъруза ўқишга бўлган ҳаракатларини рағбатлантириш тизимини ишлаб чиқиш;
- чет тилларини ўқитиш жараёнини замонавий ўқув-методик ва дастурий таъминотини ишлаб чиқиш ва харид қилиш;
- институтда фаол тилга ўрганиш-ахборот муҳитини шакллантириш.

10. Олий таълимга тайёрлаш

Олий таълимга тайёрлаш институт фаолиятининг ажралмас қисми ҳисобланади. Умумий ўрта, ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасаларида олинган билимларни янада мустаҳкамлаш, институтга иқтидорли ёшларни танлаб олиш ва тиббиёт соҳаларининг етук мутахассисларга бўлган талабларини қондириш ниҳоятда долзарб масала ҳисобланади.

10.1. Олий таълимга тайёрлашни ривожлантириш вазифалари

- умумий ўрта, ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасалари билан шартномалар асосида яқин ҳамкорлик алоқаларини ўрнатиш;
- узлуксиз таълим тизимида таълим жараёнини самарали ташкил этиш ва мувофиқлаштириш;
- узлуксиз таълим тизимини ривожлантириш бўйича дастур ва

лойиҳаларда биргаликда иштирок этиш ва амалга ошириш;

- абитуриентларни институтга кириш синовларига тайёрлаш учун кундузги, кечки, сиртки ўқув курсларини ташкил этиш;

- таълим хизматлари ярмаркалари, кўргазмаларини ташкил этиш ва иштирок этиш;

- мактаб, лицей ва коллеж ўқитувчилари учун семинар ва илмий-амалий конференциялар ташкил этиш ва ўтказиш;

- мактаб, лицей ва коллеж ўқитувчилари ўртасида касбга йўналтириш ишларини фаол олиб бориш, махсус курслар, тестлар, танловлар, олимпиада, очик эшиклар кунини ташкил этиш.

11. Корпоратив маданиятни шакллантириш ва ривожлантириш

Институтда корпоратив маданиятни шакллантириш ва ривожлантириш жамиятда кечаётган ўзгаришлар, жамиятнинг устувор қадриятлари: таълимга бўлган ижтимоий буюртма юзасидан масъулиятнинг давлат, оила ва корхона ўртасида тақсимланиши, шахснинг жамият ва ўз фаровонлиги учун масъулияти, салбий ижтимоий жараёнларга қарши курашиш заруратини аниқ англашга асосланади.

11.1. Корпоратив маданиятни шакллантириш ва ривожлантириш бўйича вазифалар

- институтда анъаналар, бошқарув услуби, коллегиял қарор қабул қилиниши билан боғлиқ ҳолда вужудга келган корпоратив маданият, унинг характери, ижобий ва салбий элементларини ўрганиш;

- аксарият ходимлар ва талабалар томонидан корпоратив маданиятнинг элементларини ўрганилиши ва англаниши орқали шарт-шароитларга мувофиқ ўзгартиришлар киритиш;

- институтнинг интеллектуал ва кадрлар салоҳиятини бошқариш тизимини яратиш;

- талабаларни ўқитиш ва тарбиялаш маданиятини такомиллаштириш;

- илмий тадқиқотлар маданиятини такомиллаштириш;

- таълим жараёнига хизмат қилиш маданиятини такомиллаштириш;

- институт профессор-ўқитувчилари, ходимлари ва талабаларининг юриш-туриш маданияти ва турмуш тарзини;

- институт жамоасида ижтимоий-психологик муносабатларни такомиллаштириш.

Концепция асосида Қорақалпоғистон тиббиёт институти ўзининг “2022- 2030 йилларда ривожлантириш дастури” ни ишлаб чиқади.

**ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН ТИББИЁТ ИНСТИТУТИНИНГ
2022 – 2026 ЙИЛЛАР УЧУН
«СТРАТЕГИК РИВОЖЛАНИШ ДАСТУРИНИ»
АМАЛГА ОШИРИШ РЕЖАСИ**

Нукус

ҚИСҚАРТМАЛАР РҰЙХАТИ

АРМ	- Ахборот - ресурс маркази		ССВ	– Соғлиқни сақлаш вазирлиги
ААТ	– Автоматлаштирилган ахборот тизими		ССТ	– Соғлиқни сақлашни ташкиллаштириш
БАТ	– Бошқаришнинг автоматлаштирилган тизими		ТИТ	- Талабалар илмий тўғараги
ДТС	– Давлат таълим стандарти		ТК	– Талабалар кенгаши
ЁБИММБ	- Ёшлар билан ишлаш, маънавият ва маърифат бўлими		ТМ	– Тест маркази
ИТИ ва ИШКТБ	– Илмий тадқиқотлар, инновациялар ва илмий – педагогик кадрлар тайёрлаш бўлими		ТСНҚБ	– Таълим сифатини назорат қилиш бўлими
ИНБ	- Ички назорат бўлими		УАШ	– Умумий амалий шифокор
ИТИ	– Илмий – тадқиқот ишлари		ЎУБ	– Ўқув - услубий бўлим
КИББ	– Кадрлар иши бўйича бўлим		ЎУК	– Ўқув - услубий комплекс
КТвҚТМ	– Кадрлар тайёрлаш ва қайта тайёрлаш маркази		ЎСМ	-Ўқув - симуляцион маркази
МХТФ	- Меҳнатга ҳақ тўлаш фонди		ЎРТМ	– Ўқитишни рақамлаштириш технологиялари маркази
МХҚ	– Маъмурий - хўжалик қисм		ҚТИ	– Қорақалпоғистон тиббиёт институти
МРБ	– Молиявий режалаштириш бўлими		ҚР	– Қорақалпоғистон Республикаси
МИТЛ	- Марказий илмий – тадқиқот лабораторияси		ҲАБ	– Ҳалқаро алоқалар бўлими
МБ	- Маркетинг бўлими		RBL	– Research Based Learning, илмий - асосланган таълим
ПЎТ	– Профессор - ўқитувчилар таркиби			

№	Вазифалар	Чора – тидбирлар	Амалга ошириш муддати (йиллар)					Кутилаётган натижа/кўрсаткичлар	Масъул ижрочилар	Молиялаштириш манбалари
			2022	2023	2024	2025	2026			
1	ИНФРАТУЗИЛМАНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ВА БОШҚАРУВ ТИЗИМИНИ ҚУРИШ (БОШҚАРУВ ВА МЕНЕЖМЕНТ)									
1.1	ҚТИ инфратузилмаси ихтиёжлари учун режалаштиришни рационализациялаштириш (содалаштириш)	1.1.1.Инновацион инфратузилма объектларига бўлган ихтиёжни баҳолаш ва режалаштириш (тузилмани қайта кўриб чиқиш)		+	+			ҚТИ янги тузилмаси, 2024 йил учун батафсил режа	Ректорат	ҚТИ бюджетдан ташқари
		1.1.2.Ўқув, ташкилий - бошқарув ва молиявий мустақиллик билан боғлиқ ҳолда ҚТИ нинг норматив – ҳуқуқий ҳужжатларини қайта кўриб чиқиш ва ишлаб чиқиш	+	+	+			Қайта кўриб чиқилган ва ишлаб чиқилган ҳужжатлар сони	Ректорат, кадрлар бўлими	ҚТИ бюджетдан ташқари
		1.1.3. Кадрлар, молиявий, ахборот ва моддий – техника ресурсларидан фойдаланишни тартибга солувчи барча ички норматив ҳужжатларни такомиллаштириш	+	+	+			Бошқарув бўйича маҳаллий актлар сони	Ректорат, кадрлар бўлими	ҚТИ бюджетдан ташқари
		1.1.4.Ихтиёжларни таркибий бўлинмалар томонидан йиллик режалаштириш	+	+	+	+	+	Режаларни ўз вақтида тақдим этган таркибий бўлинмалар, %	Барча таркибий бўлинмалар	ҚТИ бюджетдан ташқари
		1.1.5.Ихтиёжларнинг, режаларнинг жамоатчилик муҳокамаси, ҚТИ жамоатчилик кенгашлари фаолиятини такомиллаштириш	+	+	+	+	+	Мажлислар сони, қарорларнинг бажарилиши %	Жамоатчилик кенгашлари (Илмий кенгаш, Кўзатув ва бошқа кенгашлар)	ҚТИ бюджетдан ташқари
		1.1.6. Ўз – аро манфатли шароитларда бошқа ҳамкор ташклотларнинг ресурслари ва инфратузилмасидан фойдаланиш.	+	+	+	+	+	Бошқа ташкилотлар инфратузилмаси сони	Проректорлар, Ўқув – услубий бўлим	ҚТИ бюджетдан ташқари, донорлар
1.2	ОТМни бошқариш самарадорлигини ошириш	1.2.1. Маъмурий ходимларнинг бошқарув бўйича малакасини ошириш	+	+	+	+	+	Курсларни тамомлаган маъмурий ходимлар сони	Ректорат, кадрлар бўлими, ЎУБ	ҚТИ бюджетдан ташқари, донорлар
		1.2.2. Шахсий ҳисобатнинг ягона формасини ишлаб чиқиш (рейтинг кўрсаткичлари)	+				+	Ҳисоботнинг ўрнатилган шакли бўйича топширилган шахсий ҳисоботларнинг %;	Проректорлар	

						Индикаторлар (кўрсаткичлар) бўйича КТИ бўйича йиғма ҳисобот				
			+	+		Немис да бакалавриат ва магистратура бўйича маълумотлар базалари,% да. Ўқув жараёнини рақамлаштиришдан талабаларнинг қониқиш улуши,%. Edo.ijro.uz да ҳужжат айланиши бўйича маълумотлар базаси	ЎУБ, ўқитишни рақамлаштириш технологиялари маркази (ЎРТМ), таълим сифатини назорат қилиш бўлими (ТСНҚБ), ички назорат бўлими, деканат, кафедралар	ҚТИ бюджетдан ташқари		
		1.2.3. Электрон ҳужжат айланишига (ijro.uz) ва Немис ўқув – таълим платформасига тўлиқ ўтиш (тегишли ҳужжатлар ва ресурсларни Немис/Edo.ijro.uz сайтига ўз вақтида киритиш ва янгилаш)								
		1.2.4. ҚТИ ни ривожлантиришнинг асосий йўналишлари бўйича қарорлар қабул қилиш ва уларни амалга оширишда профессор – ўқитувчилар, талабалар ва ходимларнинг бевосита иштирок этиши учун шарт – шароитлар яратиш (доимий ҳаракаттаги коллегиял аъзолик асосида)	+	+	+	+	+	Талабаларнинг институтни бошқариш жараёнига жалб қилиш даражаси (доимий ҳаракаттаги коллегиял аъзоликда вакиллик), %	Ректорат	
		1.2.5. Институтнинг ахборот очқлигини таъминлаш (ҚТИ сайти ва ижтимоий тармоқлардаги саҳифалар мазмунини янгилаш)	+	+	+	+		Обуначилар сони Сайтга ташрифлар сони	ЎРТМ, матбуот хизмати	ҚТИ бюджетдан ташқари
1.3	Кадрлар сиёсати сифатини ошириш, ходимларни рағбатлантириш	1.3.1. Ходимларни аттестациядан ўтказиш тўғрисидаги низомни қайта кўриб чиқиш			+			Аттестация ўтказиш бўйича тасдиқланган низом; ходимларнинг/ профессор – ўқитувчилар таркибининг малака даражаси		
		1.3.2. Дифференциал иш ҳақи, қўшимча тўловлар тизимини жорий этиш ва ютуқлари учун КРІ бўйича рағбатлантириш	+	+	+	+	+	Ходимларни рағбатлантириш учун меҳнатга ҳақ тўлаш фондининг умумий иш ҳажмида инвестициялар улуши (ходимларни рағбатлантириш учун барча қўшимча ҳаражатлар – устамалар, мукофатлар, таълим учун қўшимча тўловлар,	Молиявий режалаштириш бўлими, бухгалтерия	ҚТИ бюджетдан ташқари, донорлар

								моддий ёрдам)		
		1.3.3.Таълим фаолияти учун малака талабларига жавоб берадиган илмий даража ва унвонга эга тўлиқ штатдаги ўқитувчиларнинг улушини сақлаб қолиш чораларини кўриш	+	+	+	+	+	Профессор – ўқитувчилар таркибининг илмий даражаси, %		
1.4	Бюджетдан ташқари маблағларни жалб этиш	Инвестициялар, грантлар жалб қилиш	+	+	+	+	+	Инвестициялар, грантлар ҳажми, амалга оширилаётган лойиҳалар сони;	ИТИ ва ИПКТБ, кафедралар	ҚТИ бюджетдан ташқари, донорлар
		Янги пуллик хизматлар/маҳсулотларни ривожлантириш					+	Бюджетни ошириш	МХҚ	ҚТИ бюджетдан ташқари, донорлар
2	МОДДИЙ – ТЕХНИК БАЗАНИ РИВОЖЛАНТИРИШ (РЕСУРСЛАРНИ БОШҚАРИШ)									
2.1	Биноларни модернизация қилиш (капитал ва жорий таъмирлаш)	ҚТИ ўқув биноларида жорий таъмирлаш;						Бажарилган иш ҳажми ва %	МХҚ, МРБ	ҚТИ бюджетдан ташқари
		ҚТИ ётоқхонасини реконструкция қилиш					+	Бажарилган иш ҳажми ва %	МХҚ, МРБ бухгалтерия	ҚТИ бюджетдан ташқари
		Капитал таъмирлаш:						Объектлар рўйхати; бажарилган ишлар ҳажми ва %	МХҚ, МРБ бухгалтерия	ҚТИ бюджетдан ташқари
		- ҚТИ 2 –худудидаги 2 – сонли ўқув биноси					+			
		- ҚТИ нинг 2 – худудидаги 3 – сонли ва 6 – сонли ўқув бинолари					+			
2.2	Янги ўқув бинолари ва спорт майдончалари қурилиши	Спорт майдончалари қурилиши					+	Фойдаланишга топширилган спорт майдончаси	МХҚ, МРБ, бухгалтерия	ҚТИ бюджетдан ташқари, донорлар
		Худудларни ободонлаштириш	+	+	+	+	+	Ишлар рўйхати ва ҳажми	МХҚ	ҚТИ бюджетдан ташқари
2.3	Ўқитишнинг янги технологиялари ва илмий тадқиқотлар учун техник воситалар (компьютерлар, лаборатория ва тиббий асбоб – ускуналар ва бошқалар)	Оргтехника ва инновацион ўқув жиҳозларини сотиб олиш ва ўрнатиш (интерфаол доска, компьютерлар ва бошқалар)	+	+	+	+	+	Сотиб олинган бирликлар рўйхати ва миқдори	МХҚ, МРБ, бухгалтерия	ҚТИ бюджетдан ташқари, донорлар
		Симуляцион ўқув ускуналари, тиббий симуляторлар («Пирогов» виртуал анатомик столи, виртуал жарроҳлик, виртуал терапевт, виртуал педиатр ва	+	+	+			Сотиб олинган бирликлар рўйхати ва миқдори	МРБ, бухгалтерия	ҚТИ бюджетдан ташқари, донорлар

		бошқалар) сотиб олиш ва ўрнатиш										
		Масофавий таълим учун видеостудия сотиб олиш ва ўрнатиш					+	Сотиб олинган бирликлар рўйхати ва миқдори	МРБ, бухгалтерия	ҚТИ бюджетдан ташқари, донорлар		
		Замонавий лаборатория ва тиббий асбоб – ускуналарини сотиб олиш ва ўрнатиш		+	+	+		Сотиб олинган бирликлар рўйхати ва миқдори	МРБ, бухгалтерия	ҚТИ бюджетдан ташқари, донорлар		
		Операция хоналаридан видеотрансляция учун ускуналарни сотиб олиш, ўрнатиш ва ишлашини таъминлаш			+			Сотиб олинган бирликлар рўйхати ва сони	ЎРТМ, МРБ, бухгалтерия	ҚТИ бюджетдан ташқари, донорлар		
2.4	Ўқув ва илмий – тадқиқот жараёнини зарур материаллар билан таъминлаш	Таълим жараёни учун зарур бўлган сарф материалларни сотиб олиш	+	+	+	+	+	Материаллар рўйхати ва сони	МРБ, бухгалтерия	ҚТИ бюджетдан ташқари, донорлар		
		Реактивлар, дори – дармонлар, тест – гизимлари ва бошқаларни сотиб олиш	+	+	+	+	+	Рўйхати ва сони	МРБ, бухгалтерия	ҚТИ бюджетдан ташқари, донорлар		
		Лаборатория идишлари, тиббий асбоблар ва бошқаларни сотиб олиш	+	+	+	+	+	Сотиб олинган бирликлар рўйхати ва сони	МРБ, бухгалтерия	ҚТИ бюджетдан ташқари, донорлар		
		Муляжлар, тренажёрлар, жароҳатлар имитаторлари ва бошқада кўргазмали материалларни сотиб олиш		+	+			Сотиб олинган бирликлар рўйхати ва сони	МРБ, бухгалтерия	ҚТИ бюджетдан ташқари, донорлар		
		Кўргазмали гистологик ва цитологик ўқув микропрепаратларни тўпламини сотиб олиш		+				Сотиб олинган бирликлар рўйхати ва сони	МРБ, бухгалтерия, кафедралар	ҚТИ бюджетдан ташқари, донорлар		
		Микроорганизмлар/хужайралар культураларини мос штаммаларини сотиб олиш					+	Сотиб олинган бирликлар рўйхати ва сони	МРБ, бухгалтерия, Микробиология кафедраласи	ҚТИ бюджетдан ташқари, донорлар		
		Кутубхона фондини янги босма нашрлар (дарслиklar, китоблар, ўқув – услубий комплекс, журналлар ва бошқалар) билан тўлдириш ва янгилаш	+	+	+	+	+	Янги бошма нашрлар сони; нусхалар сони; ўзбек, ққ, рус ва инглиз тилларида ўқув адабиётлари билан таъминланганлиги %	Ахборт ресурс маркази	ҚТИ бюджетдан ташқари, донорлар		
		Кутубхонани ҚТИ хизматкорлари янги авторефератлари ва диссертациялари билан тўлдириш		+		+	+	Янги авторефератлар/диссертациялар сони	Илмий бўлим, кафедралар, АРМ	ҚТИ бюджетдан ташқари		

2.5	Ўқув жараёнини электрон (рақамли) ва дастурий ресурслар билан таъминлашни қўшиб ахборот – ресурс таъминотини модернизация қилиш	Ўқув биноларида сервер шкафларини ўрнатган ҳолда локал компьютер тармоғини модернизация қилиш	+	+				Ускунали ва дастурий таъминотнинг рўйхати ва сони, модернизациялаш %	МРБ, бухгалтерия, ЎРТМ	ҚТИ бюджетдан ташқари
		Клиник электрон платформани харид қилиш			+			Сотиб олинган ва ўрнатилган дастурларнинг рўйхати ва сони	МРБ, бухгалтерия, ЎРТМ	ҚТИ бюджетдан ташқари
		ИРБИС64+ дастурини харид қилиш			+			ИРБИС64+ модуллари	АРМ, МРБ, бухгалтерия	ҚТИ бюджетдан ташқари
		Электрон дастурларни сотиб олиш (талабалар билимини тестдан утказиш учун дастур, электрон журналлар ва бошқалар)				+		Дастурлар руйҳати ва сони	МРБ, бухгалтерия, ЎРТМ	
		Серверларни мустаҳкамлаш, сервер марказини ташкил этиш (сервер ускуналарни ва дастурларни сотиб олиш ва ўрнатиш)	+					Сервер куввати	ЎРТМ, МРБ бухгалтерия	ҚТИ бюджетдан ташқари
		Барча ўқув бинолари ва ётоқхоналарда интернет ресурсларига симсиз Wi –Fi уланиш зоналарини ташкил этиш	+	+	+	+		Зоналар (минтақалар) ва нуқталар сони; ўқув хоналарининг таъминланганлик %	ЎРТМ, МРБ бухгалтерия	ҚТИ бюджетдан ташқари, донорлар
		Ўқув бинолари ва ётоқхоналарда видеокузатув ўрнатиш	+	+	+	+	+	Видеокузатув нуқталари сони	МХҚ, ЎРТМ	ҚТИ бюджетдан ташқари
		Электрон кутубхона фондини дарсликлар, ўқув – услубий қўлланмалар, маърузалар билан тўлдириш	+	+	+	+	+	Янги номлар сони	АРМ	ҚТИ бюджетдан ташқари донорлар
2.6	Талабалар, профессор – ўқитувчилар ва ходимларнинг ҳаёт сифатини яхшилаш	Кутубхона каталогларини рақамлаштириш	+	+	+	+	+	Рақамлаштирилган карталар/каталогларнинг %	АРМ	ҚТИ бюджетдан ташқари
		“Офис регистратор” фаолиятини ташкил этиш ва рақамлаштириш				+				
		Талабаларни тиббий кўрикдан ўтказиш ва диспансер назорати	+	+	+	+	+	Тиббий кўрикдан ўтган талабаларнинг %	Даволаш ишлари бўйича проректор	Донорлар
		Профессор – ўқитувчилар/ходимларга санаториялар/пансионатларга имтиёзли йўлланмалар бериш, ижтимоий пакетлар билан таъминлаш	+	+	+	+	+	Ижтимоий пакетлар/йўлланмалар олган ходимлар, талабалар сони	Ёшлар билан ишлаш бўлими, деканат, касаба уюшмаси	ҚТИ бюджетдан ташқари, Касаба уюшмаси бюджетдан ташқари

3	ТАЪЛИМ СИФАТИНИ ТАЪМИНЛАШ (СИФАТНИ БОШҚАРИШ)										
3.1	Бозор ихтиёжларини, иш берувчилар ва умуман жамиятнинг кутишлари ва талабларини баҳолаш	Қорақалпоғистон Республикаси соғлиқни сақлаш вазирлиги билан биргаликда амалий соғлиқни сақлашнинг шифокорларга бўлган талабини аниқлаш	+	+	+	+	+	Шифокор мутахассислар билан таъминланганлик % ;	Маркетинг бўлими, ССВ	ҚТИ бюджетдан ташқари	
ҚТИ битирувчиларнинг бандлиги тўғрисидаги маълумотларни тўплаш ва таҳлили қилиш		+	+	+	+	+	Туманларга ишлаш учун борган янги битирувчилар сони; Ишсиз битирувчилар сони ва/ёки бошқа фаолият турларида иш билан таъминланганлар	Маркетинг бўлими, ССВ	ҚТИ бюджетдан ташқари		
Битирувчиларнинг потенциал иш берувчилар билан учрашувларини ташкил этиш “Карьера куни”ни («бўш иш ўринлари ярмаркаси») ўтказиш		+	+	+	+	+	Соғлиқни сақлашда иштирокчи ташкилотлар сони; Иштирок этган битирувчилар сони	Маркетинг бўлими, деканат, кафедралар	ҚТИ бюджетдан ташқари		
3.2	Тиббиёт, фармацевтика таълими ва илим тизимини ривожлантиришнинг замонавий тенденцияларини таҳлил қилиш	Тиббиёт ва фармацевтика таълими ва илм тизимини ривожлантиришнинг замонавий ҳалқаро тенденцияларини таҳлил қилиш			+	+	Тавсиялар билан таҳлилий ҳисобот	ТСНҚБ, ЎУБ, ИТИ ва ИПКТБ	ҚТИ бюджетдан ташқари		
Яқин ва узоқ хориж мамлакатлари олий ўқув юртлари ва ҚТИ нинг таълим стандартларининг фарқларини таҳлил қилиш, шу жумладан ТОП 300 тиббиёт олий ўқув юртларининг ўқув дастурларини					+	+	Тавсиялар билан таҳлилий ҳисобот	Ўқув – услубий бўлим, ХАБ, кафедралар	ҚТИ бюджетдан ташқари		
Тиббиёт, таълим ва илм ривожланишининг замонавий тенденциялари бўйича йиғилишлар/мажлислар, конференциялар ўтказиш		+	+	+	+	+	Мазкур масала бўйича жамоатчилик кенгашларининг йиғилишлари рўйхати ва сони; Конференциялар сони	ҚТИ жамоатчилик кенгашлари (Илмий кенгаш, Кўзатув ва бошқа кенгашлар)	ҚТИ бюджетдан ташқари		
3.3	ҚТИ таълим хизматлари сифатини баҳолаш ва таълим хизматларидан истъемолчиларини қониқтириш	Фанлар бўйича таълим сифатини мониторинг қилиш ва баҳолаш (кафедралар иши)	+	+	+	+	+	Мониторинг ва баҳолаш натижалари ҳисоботи	ЎУБ, ТСНҚБ, ички мониторинг бўлими	ҚТИ бюджетдан ташқари	
Талабаларнинг ҚТИ да таълим сифатидан қониқишини баҳолаш		+	+	+	+	+	Талабаларнинг қониқиши %	ЎУБ, ТСНҚБ	ҚТИ бюджетдан ташқари		

		Битирувчиларнинг ҚТИ да таълим сифатидан қониқишини баҳолаш	+	+	+	+	+	Талабаларнинг қониқиши %	ЎУБ, ТСНҚБ	ҚТИ бюджетдан ташқари, донорлар
		Ординаторларнинг ҚТИ да ўқитиш сифатидан қониқишини баҳолаш			+		+	Талабаларнинг қониқиши %	ТСНҚБ, ординатура бўлими	ҚТИ бюджетдан ташқари, донорлар
		Ота – оналарнинг ҚТИ да ўқитиш сифатидан қониқишини баҳолаш				+		Талабаларнинг қониқиши %	ТСНҚБ, «Комплаенс назорат» бўлими	ҚТИ бюджетдан ташқари, донорлар
		Иш берувчиларнинг битирувчиларни гайёрлаш сифатидан қониқишини баҳолаш		+		+		Талабаларнинг қониқиши %	ТСНҚБ, деканатлар, «Комплаенс назорат» бўлими	ҚТИ бюджетдан ташқари, донорлар
		Профессор – ўқитувчилар таркибининг қониқишини баҳолаш	+			+		Талабаларнинг қониқиши %	ТСНҚБ, «Комплаенс назорат» бўлими	ҚТИ бюджетдан ташқари, донорлар
		Ўқитишнинг бошқа муаммоли масаллари сифати бўйича мониторинг ўтказиш ва баҳолаш				+		Ўтказилган баҳолашлар рўйхати: мониторинг ва баҳолаш бўйича ҳисоботлар	ТСНҚБ, ЎУБ, магистратура ва ординатура бўлими, деканатлар	ҚТИ бюджетдан ташқари, донорлар
3.4	Таълим тизими сифати ва сиёсатини, шу жумладан, таълим сифатини мониторинг қилиш ва баҳолашнинг ички тизимининг самарадорлигини такомиллаштириш.	ҚТИ да таълим сифатини таъминлаш учун локал актларни қайта кўриб чиқиш/ишлаб чиқиш		+	+			ҚТИ да таълим сифати бўйича тасдиқланган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар рўйхати/сони	ТСНҚБ	ҚТИ бюджетдан ташқари
		Йиллик тадбирларни режалаштириш ва уларнинг бажарилиши бўйича ҳисоботларни йиғиш	+	+	+	+	+	Тасдиқланган йиллик режалар; Йиллик режалар ва ҳисоботларни ўз вақтида тақдим этиш (саналари);	Барча тузилма бўлинмалар	ҚТИ бюджетдан ташқари
		Олий таълим муассасаларининг республика ва ҳалқаро рейтингда иштирок этиш	+	+	+	+	+	ҚТИ иштирок этадиган рўйхат; Рейтингда ўрни	ТСНҚБ	ҚТИ бюджетдан ташқари, донорлар
		Ҳалқаро мустақил дастур аккредитациясини тайёрлаш ва ўтиш			+	+		Аккредитациядан ўтган умумий таълим дастурлари сони; Дастурлар аккредитацияси сертификатлари;	ТСНҚБ, ишчи гуруҳлар	ҚТИ бюджетдан ташқари
3.5	ҚТИ нинг кадрлар салоҳиятини ошириш, ходимларни ўз-ўзини ривожлантириш ва малакасини ошириш учун	Ишга қабул қилиш сиёсатини, лавозим мажбуриятларини, малака талабларини ишлаб чиқиш/қайта кўриб чиқиш	+	+				Тасдиқланган “Ишга қабул қилиш ва кадрларни саралаб олиш тартиби тўғрисидаги қоида”, малака талаблари ва танлаш мезонлари	ТСНҚБ КИББ	ҚТИ бюджетдан ташқари

рағбатлантириш тизимини такомиллаштириш.	Меҳнат фаолияти самарадорлик кўрсаткичлар асосида (КРІ) иш ҳақининг ўзгарувчанг қисмини (мукофатлар, ўстама ҳақи ва бошқалар) шакллантириш усулини ишлаб чиқиш	+					Самарадорлик кўрсаткичлари (КРІ) асосида иш ҳақи тўлаш тўғрисидаги тасдиқланган қоидалар	Проректорлар, Кузатув кенгаши	ҚТИ бюджетдан ташқари	
